

ИСЛОМ КАРИМОВ номидаги **ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА
УНИВЕРСИТЕТИ «ФАН ВА ТАРАҚҚИЁТ» ДАВЛАТ УНИТАР
КОРХОНАСИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**
DSc.03/30.12.2019.К/Т.03.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ИСЛОМ КАРИМОВ номидаги **ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА
УНИВЕРСИТЕТИ «ФАН ВА ТАРАҚҚИЁТ» ДАВЛАТ УНИТАР
КОРХОНАСИ**

БАБАХАНОВА МАДИНА АВАЗОВНА

**САМАРАЛИ АНТИКОРРОЗИОН КОМПОЗИЦИОН МАТЕРИАЛЛАР
ВА УЛАР АСОСИДА ҚОПЛАМАЛАР ЯРАТИШ**

02.00.07 – Композицион, лок-бўёқ ва резина материаллари кимёси ва технологияси

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент - 2020

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Бабаханова Мадина Авазовна

Самарали аникоррозион композицион материаллар ва улар асосида
копламалар яратиш 3

Бабаханова Мадина Авазовна

Разработка эффективных антикоррозионных композиционных материалов и
покрытий на их основе..... 19

Babakhanova Madina Avazovna

Development of effective anticorrosion composite materials and coatings based on
them 35

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 39

ИСЛОМ КАРИМОВ номидаги **ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА
УНИВЕРСИТЕТИ «ФАН ВА ТАРАҚҚИЁТ» ДАВЛАТ УНИТАР
КОРХОНАСИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**
DSc.03/30.12.2019.К/Т.03.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ИСЛОМ КАРИМОВ номидаги **ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА
УНИВЕРСИТЕТИ «ФАН ВА ТАРАҚҚИЁТ» ДАВЛАТ УНИТАР
КОРХОНАСИ**

БАБАХАНОВА МАДИНА АВАЗОВНА

**САМАРАЛИ АНИКОРРОЗИОН КОМПОЗИЦИОН МАТЕРИАЛЛАР ВА
УЛАР АСОСИДА ҚОПЛАМАЛАР ЯРАТИШ**

02.00.07 – Композицион, лок-бўёқ ва резина материаллари кимёси ва технологияси

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент - 2020

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Бугунги кунда дунёда материалларнинг коррозияси саноат ускуналарини муддатидан олдин ишдан чиқишининг энг асосий сабабидир. Иш жараёнида кўплаб саноат ускуналарини табиий ва техноген агрессив муҳитда ишлайди. Шунинг учун самарали антикоррозион қопламаларни олиш соҳасидаги тадқиқотлар самарадорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жаҳон миқёсида турли хил эмаллар, бўёқлар, мастикалар, эпоксидли қопламалар асосидаги полимер эритмалар ва полимер бетонлар каби кўп компонентли тизимлар қўлланилади. Аммо, бугунги кунга қадар асосий таркибий компонентларнинг материал структурасига бўлган таъсири ўрганилмаган. Эпоксид смоласи асосидаги қопламаларнинг кимёвий агрессив муҳитга таъсири деярли ўрганилмаган. Шунинг учун композицион полимер материаллар ва улар асосидаги қопламаларнинг самарали композицияларини яратиш муаммоси долзарб ва заруриятга эгадир.

Республикамизда агрессив муҳитда ишловчи ускуналар учун маҳаллий хомашёлар асосида антикоррозион қопламалар олишда чора тадбирлар олиб борилмоқда ва маълум бир натижаларга эришилди. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг тўртинчи йўналишининг тўртинчи бандида «...илмий-тадқиқот ва инновация фаолиятини рағбатлантириш, илмий ва инновация ютуқларини амалиётга жорий этишнинг самарали механизми...»¹ бўйича муҳум вазифалар белгилаб берилган. Илмий-техник ўсишнинг ривожланиши чиқиндилар манбаи бўлган кимё саноатининг жадал ривожланишига олиб келди. Шунинг учун ушбу чиқиндиларни ишлатиш муаммоси ва улар асосида антикоррозион қопламалар олиш муҳим аҳамият касб этади, чунки табиий ресурсларни тежаш ва табиатни муҳофаза қилиш билан боғлиқдир. Бу борада маҳаллий хомашё ва саноат чиқиндилари асосида композицион полимер қопламаларнинг самарали таркибларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 04 мартдаги ПФ-4707-сон «2015-2019 йилларда ишлаб чиқаришни таркибий ўзгартириш, модернизация ва диверсификация қилишни таъминлаш бўйича чора-тадбирлар дастури тўғрисидаги фармони» ва 2017 йил 07 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони билан тасдиқланган «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги фармони ва қарорлари ҳамда мазкур фармонга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада ҳизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги ПФ-4947-сонли қарори.

ривожланишининг VII. «Кимёвий технологиялар ва нанотехнологиялар» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Антикоррозион композицион полимер қопламалар ишлаб чиқариш ва яратиш бўйича қуйидаги олимлар маълум хиссаларини кўшганлар: А.Д. Яковлев, И.Л. Розенфельд, Н.С. Ениколопов, С.Н. Журков, В.В. Коршак, С.А. Вольфсон, А.А. Берлин, М.Н. Фомин, Ю.В. Емельянов, И.З. Чернин, Ф.М. Смехов, Ю.В. Жердев, А.В., Малинин, В.В. Кравцов, А.А. Козловский, К.С. Минскер, А.П. Марьин, М.И. Карякина, О.Н. Скороходов, Ф.И. Рубинштейн, С.С. Негматов, А.Т. Джалилов, Ф.А. Магруппов, Р.С. Тиллаев, Х.И. Акбаров, З.А. Таджиходжаев, М.Ж. Жуманиязов, Ш.О.Курамбаев, Б.Д. Дюсебеков ва бошқалар.

Мавжуд ишлар таҳлилига кўра, шуни қайд қилиш керакки, юқори антикоррозион, адгезион, физик-механик хоссали композицион полимер қопламалар (КПК) ишлаб чиқаришда қопламаларнинг эксплуатацион хоссаларига қатламли кремнезем тўлдирувчиларнинг таъсири ҳисобга олинмаган. Мазкур диссертация ишида ушбу муаммони ечимига доир масалалар кенг ёритиб берилган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети «Фан ва тараққиёт» давлат унитар корхонаси илмий тадқиқот ишлари режаларининг А-6-213 «Маҳаллий хомашё ва саноат чиқиндилари асосида стабиллаштирилган композицион қопламалар олишнинг самарали технологиясини ишлаб чиқиш» (2006-2008 йй.), ИОТ-2012-18 «Қишлоқ хўжалик техникасининг чидамлигини ошириш мақсадида деталлар устини қоплаш учун кўзда тутилган янги ҳимояловчи қопламалар ва занг модификатори олиш технологиясини ўзлаштириш» (2012-2014йй.), ОИТ-1012-7-18 «Нефт соҳасида ишлатиладиган ускуналар, қувурлар учун занг ингибиторлари ва улар асосида композицион полимер қопламаларни ишлаб чиқаришга жорий этиш» (2012-2013йй.) мавзуларидаги лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади турли ишлаб чиқариш соҳаларида қўллаш учун маҳаллий қатламсимон кремнезем тўлдирувчилар билан тўлдирилган фурфурил спирти олиш босқичидаги кублар остидаги қолдиқнинг эпоксид смоласи билан олинган антикоррозион қопламанинг самарали таркибини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

кўпфункционаларга мўлжалланган антикоррозион қопламалар ишлаб чиқиш учун материаллар танлаш ва асослаш;

антикоррозион композиция асосидаги қопламанинг шаклланиш жараёнини ўрганиш;

олинган қопламанинг физик-механик хоссаларига композициянинг таркиби ва структурасининг таъсирини ўрганиш;

яратилган қопламанинг қотиш даражасини ўрганиш;

ишлаб чиқилган композиция асосидаги қопламанинг ҳимояловчи хоссалари ва иссиқликка чидамлилигини ўрганиш;

агрессив муҳитда ишловчи корхоналарга узатиш учун керакли меъёрий-техник ҳужжатларни ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти: госсипол смоласи (ГС), полиэтиленполиамин (ПЭПА), қатламли кремнезем тўлдирувчилар – бентонит, каолин, тальк билан тўлдирилган фурфурил спирти олишдаги кублар остидаги қолдиқ билан эпоксид смоласи (ЭД-20) асосидаги органик қопламалар.

Тадқиқотнинг предмети антикоррозион композиция асосидаги қопламанинг шаклланиш жараёнини аниқлаш, ишлаб чиқилган қопламанинг физик-кимёвий, физик-механик ҳамда ҳимояловчи хоссаларини ўрганиш ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Ишлаб чиқилган қопламаларнинг физик-кимёвий ва механик хоссалари ЭПР, ИҚ-спектроскопия ҳамда стандарт усуллар ва ускуналар билан, адгезион мустаҳкамлик - ГОСТ 14760-69, мустаҳкамлик хоссалари ГОСТ 14236-81, коррозияга чидамlilik ГОСТ 12020-72 билан ўрганилди. Антикоррозион қопламанинг оптимал таркиби математик моделлаштириш усули билан танланди.

Диссертация тадқиқотининг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

самарали антикоррозион композицион қоплама ҳосил қилиш учун эпоксид смоласини ишлаб чиқариш чиқиндиси билан алмаштириш мумкинлиги илмий асосланган;

фурфурил спирти синтези жараёнидаги қолдиқ билан эпоксид смоласи асосида антикоррозион ҳимояловчи композициялардан метал юзасини коррозидан ҳимояловчи қопламалар ишлаб чиқилган;

ҳар бир ингредиентнинг қопламанинг физик-механик ва эксплуатацион хоссаларига таъсири аниқланган;

ишлаб чиқилган қопламанинг шаклланишида «таркиб-структура-хосса»нинг корреляцион боғлиқлиги аниқланган;

антикоррозион композицион материаллар ва улар асосидаги кўп функцияларга мўлжалланган қопламанинг оптимал таркиби яратилган;

математик моделлаштириш усули билан композициянинг оптимал таркиби танланган;

полимер таркибини на фақат мустаҳкамлик критериясигача, балки кимёвий чидамlilikни ошириш йўли билан ҳам оптималлаштириш зарурлиги асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

юқори физик-механик хоссали антикоррозион қоплама олиш учун полимер боғловчи ва қатламли кремнезем тўлдирувчиларнинг оптимал таркиби ишлаб чиқилган;

композицион материалларнинг таркибини танлашдаги илмий асосланган ёндашув асосида олинган натижалар агрессив муҳитда ишловчи ускуналар учун антикоррозион қопламаларнинг самарали таркиби ишлаб чиқилган;

ишлаб чиқилган қопламанинг физик-кимёвий, механик ва ҳимояловчи хоссаларининг шаклланиш қонунлари тажрибалар орқали аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги фойдаланилган физик-кимёвий ЭПР, ИҚ-спектроскопия, оптик микроскоп, кимёвий ва дифференциал термик таҳлил ҳамда физик-механик усуллар билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти метал юзаларини коррозия ва емирилишдан сақловчи маҳаллий хомашё ва ишлаб чиқариш чиқиндилари асосидаги антикоррозион қопламаларнинг янги таркибининг тажрибавий кўрсаткичлари ҳамда уларнинг қотишидаги физик-кимёвий ўзгариш қонуниятлари, қопламанинг шаклланишида «таркиб-структура-хосса» корреляцион боғлиқликнинг аниқланиши янги бўлиб, янги фундаментал ва амалий характерли кўрсаткичлари билан композицион материаллар кимёси ва улар асосида органик қопламалар ҳақидаги фаннинг ривожланишига алоҳида ҳисса қўшиши билан изоҳланади. Математик моделлаштириш усули билан антикоррозион қопламаларнинг оптимал таркиби танланди.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган антикоррозион қопламалар рангли металлургия, кимёвий комбинатлар, конлар, нефтни қайта ишлаш корхоналарида, автомобилсозлик соҳасида ва бошқа корхоналарда ҳимояловчи қоплама сифатида қўлланилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Қатламли кремнезем тўлдирувчилар қўллаш билан антикоррозион композицион полимер қопламалар ишлаб чиқаришдаги олинган натижалар асосида:

механофаоллаштирилган ингредиентлар билан ишлаб чиқилган антикоррозион композицион қопламалар олишдаги илмий натижалардан 10-16 рақамли «Маҳаллий хомашё асосида кислотабардош материаллар технологиясини ишлаб чиқиш» лойиҳасида кислотабардош антикоррозион қопламалар олишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 2019 йил 26 июндаги 1-10/8-585-сон маълумотномаси). Натижада янги кислотабардош антикоррозион қоплама олишнинг технологик регламентини ишлаб чиқиш имконини берган;

«Агрессив ва абразив муҳитда ишловчи турли хил машиналарнинг металл контрукциялари ва қисмларини коррозиядан ҳимоялаш учун мўлжалланган емирилишга-зарбага-коррозияга чидамли композицион полимер қопламаларни олиш ва суртиш учун тажриба – ишлаб чиқариш технологик регламент»га «Uzkabel» АЖ ҚК билан ўрнатилган тартибда келишилган (15.10.2019 й.) ҳолда ўзгартиришлар киритилган (ОПР – 35 – 2019 – ХТКМ). («Uzeltexsanoat» Ассоциациясининг 2020 йил 11 июндаги 01-04-1/1123-сон маълумотномаси). Натижада маҳаллий хомашё ва саноат чиқиндилари асосида антикоррозион қопламалар олиш имконини берган;

«Антикоррозион композицион полимер қоплама»га Ташкилот стандарти (Ts 25239446-01:2019) ишлаб чиқилган ва «Ўзстандарт» агентлигида 16.09.2019 йил 112/0010420 рақами билан рўйхатдан ўтказилган. Натижада

агрессив муҳитда ишловчи асбоб-ускуналарни коррозиядан сақловчи қоплама сифатида қўлланилиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 7 та республика илмий-техник ва 8 та халқаро конференцияларида муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 26 та иш эълон қилинган. Шулардан 9 таси илмий мақола бўлиб, улар Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан тавсия қилинган илмий нашрларда 7 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан ташкил топган. Диссертация ҳажми 128 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари тавсифланган, объекти ва предмети белгиланган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикасида фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устивор йўналишларига мослиги кўрсатилган, олинган натижаларнинг илмий янгилиги ва амалий аҳамияти баён қилинган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиш келтирилган, натижаларнинг апробацияси, чоп этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Турли ишлаб чиқариш соҳаларида қўлланилаётган антикоррозион композицион полимер материалларнинг (КПМ) ҳозирги ҳолати бўйича илмий-техник ахборот таҳлили»** деб номланган биринчи бобида охириги йилларда турли хил антикоррозион композицион материаллар (КМ) ва улар асосидаги қопламаларнинг ҳолати ва қўлланилиши бўйича замонавий адабиёт манбалари натижаларининг таҳлили келтирилган.

Адабиётлар таҳлилидан кўпгина ишлаб чиқариш соҳаларида ишлатиладиган, жумладан, маталларни занглашдан ҳимоялашда термопластик ва терморектив полимер материалларнинг асоси полимерлар эканлиги аниқланган. Лекин бунда агрессив муҳитнинг характери ва даражаси, механик таъсири, иссиқлик, намлик ва бошқа эксплуатацион шароитларни билиш деярли ўрганилмаган. Шунинг учун маҳаллий ва иккиламчи хомашёлар асосида антикоррозион композицион қопламаларнинг самарали таркибини ишлаб чиқишда илмий-техник ёндашувлар алоҳида ўрин тутди.

Диссертациянинг **«Тадқиқотнинг объекти ва усуллари»** деб номланган иккинчи бобида тадқиқотнинг ўтказиш учун объектлар танлаш баён қилинган ва асосланган, КПМлар ва улар асосидаги қопламаларнинг физик-кимёвий усуллари ва тажриба ўтказиш асбоблари баён қилинган. Плёнка ҳосил қилувчи ЭД-20ни қисман фурфурил спирта қолдиғи (КОФС)га алмаштириш


мумкинлиги аниқлаб берилган. КОФС:ЭД-20 (1:1)нинг комбинацияси плёнка ҳосил қилувчи эканлиги аниқланган.

Диссертациянинг «Пентозан сақловчи олигомернинг эпоксид смола асосидаги антикоррозион қопламани ишлаб чиқиш ва уларнинг асосий хоссаларини ўрганиш» деб номланган учинчи бобида антикоррозион композиция асосидаги қопламанинг шаклланиш жараёнидаги олиб борилган тажриба натижалари келтирилган.

Ишлаб чиқилган қопламанинг зангга қарши хоссаларига полимер плёнканинг компонентлари ва тузилишининг таъсири ўрганилди. Ишлаб чиқилган қопламанинг физик-механик, антикоррозион ва химояловчи хоссалари ўрганилди. Полимеризацион қаршилик усули билан металнинг коррозия тезлиги ва яратилган қопламанинг иссиқликка чидамлиги аниқланди.

Химояловчи қоплама яратиш учун биз ЭД-20 билан КОФС ни қўладик. Фуран бирикмалари билан модификацияланган полимер материаллар яхши технологик, кам захарловчи, юқори механик ва кимёвий мустаҳкам, шу билан бирга агрессив муҳитга чидамли хоссаларга эга бўлади.

Пластификатор сифатида госсипол смоласини (ГС), қотирувчи сифатида эса полиэтиленполиамин (ПЭПА) ишлатдик.



Қопламанинг тузилишини бошқариш йўли билан қопламанинг эксплуатацион хоссаларини яхшилаш мумкин: бунда оптимал гетерогенлик таркибига дисперс тўлдирувчилар (каолин, бентонит, тальк) ва пластификатор киргизиш билан эришилади. Тўлдирувчиларнинг кимёвий таркиби 1-жадвалда келтирилган.

Тўлдирилганда моддаларнинг плёнка орқали ўтишининг тормозланиши, биринчи навбатда, макромолекулали занжирнинг қаттиқлигининг ошиши ва релаксация жараёнлари тезлигининг камайиши натижасидир.

Қаттиқ ва суюқ системаларни механик фаоллаштириш системанинг тузилишини ўз-ўзидан ўзгаришига олиб келади, шунга кўра бўлиниш чегарасида атмосфера компонентлари иштирокида механо-кимёвий реакция боради. Қаттиқ тўлдирувчиларни механик фаоллаштириш орқали заррачалар юзасида эркин радикаллар сонини кўпайтирдик. Бунда майдаланган қаттиқ материаллар юзаси чиқиндилар билан қопланади, кейинчалик майдаланган материалларнинг кимёвий хоссаларини аниқловчи электр зарядларнинг


тартибланишига олиб келади ҳамда матрица билан тўлдирувчи (заррачалар ўлчами 5 дан 20 мкм) ўртасидаги катак кўпаяди.

1-жадвал

Тўлдирувчиларнинг кимёвий таркиби

Наволини-теги	SiO ₂	Al ₂ O ₃	Fe ₂ O ₃	CaO	MgO	Ca ₃ (PO ₄) ₂	P ₂ O ₅	Na ₂ O ₃	K ₂ O	ППП	Сумма
Бентонит	60,56	17,68	3,20	0,69	1,90	-	-	1,44	1,92	12,04	99,79
Каолин вторичный	51,20	32,36	1,76	0,45	0,50	0,35	2,30	0,60	1,00	9,54	100
Тальк (Зинелбулок)	38,06	7,69	3,95	7,2	27,35	-	-	0,90	1,00	13,85	100

Буни механик фаоллаштирилгандан сўнг моддаларнинг кимёвий хоссаларининг стабиллашуви билан тушунтириш мумкин. Механик фаоллашган тўлдирувчилар, каолин, бентонит, тальк ишлатилиши системанинг юқори гомогенлашувини таъминловчи ва уларнинг физик-механик ҳамда эксплуатацион хоссаларини комплекс яхшиловчи композициянинг тайёрлаш вақтини қисқартиришга олиб келади.



Ишлаб чиқилган қоплама кўпкомпонентли бўлгани учун уларнинг таркибини танлашда тажриба натижаларини ўзгаришини математик-статистик усул орқали текширилди. Зарбага ва букилишга бўлган мустахкамлик тўғри чизикли боғлиқлик билан ёзиладиган тажриба йўли билан олинган натижалар билан ўзаро боғлиқлиги аниқланди.

Фурфурил спирти қолдиги билан эпоксид смоласи асосидаги антикоррозион композицион қопламанинг шаклланиш жараёнини ўрганиш.

Қопламанинг шаклланишида энг муҳим босқичларидан бири композициянинг қотишидир. Бизнинг механик фаоллаштирилган турли тўлдирувчилар (бентонит, каолин, тальк) билан тўлдирилган КОФС ва ЭД-20 асосидаги қопламамиз қотирувчи реагент – полиэтиленполиамин билан қотади. Юпқа лок-бўёқ қоплама тагликда плёнка ҳосил қилиш жараёнида ёйилган-тикилган структура ҳосил бўлади. Плёнка ҳосил қилувчининг учўлчамли ҳолатга ўтишида на фақат поликонденсация ёки полимерланиш реакцияси бориши, балки плёнка ҳосил бўлишида полимерланиш

даражасининг ошмай туриб қутубланишининг ошиши, яъни плёнка ҳосил қилувчи занжирда полимерга ўхшаб ўтиши туфайли ҳосил бўлиши мумкин.

Қопламанинг қотиш вақти ва физик-механик хоссаларига температуранинг таъсирини баҳолаш учун 50 дан 200⁰С оралиғида тажрибалар ўтказилди (2-жадвал).

Шундай қилиб, 2-жадвалдан кўришиб турибдики, композицион қопламанинг шаклланишида оптимал қотиш температураси 120-140⁰С экан.

2-жадвал

Қотиш температурасининг КОФС+ЭД-20асосидаги қопламанинг қотиш вақтига, зарбага мустаҳкамлигига, адгезия ва қаттиқлигига таъсири


Температура, °С	3-чи даража- гача қотиш вақти,соат	Қопламанинг қаттиқлиги, нисбий бирлик	Адгезия, баллаарда	Зарбага мустаҳкамлик, кгс·см
50	3	0,35	2	35
80	2	0,37	2	35
100	1,5	0,40	2	35
120	0,75	0,45	1	40
150	0,5	0,47	1	50
200	0,25	0,45	1	40

Композиция таркибининг ишлаб чиқилган қопламанинг физик-механик хоссасига таъсирини ўрганиш. Қоплама таркибига тўлдирувчилар, пластификатор қўшилиши полимер плёнканинг ҳимояловчи, адгезион ва электрокимёвий хоссаларини яхшилашга олиб келади.


Бунда плёнка ҳосил қилувчи компонентларнинг ҳажмий миқдори ва табиати муҳим ўрин тутаяди. Кўпгина қопламаларда плёнканинг мустаҳкамлик чегараси тўлдирувчи концентрациясига экстремал ҳолда боғлиқ бўлади.тажриба йўли билан ҳажмий концентрация аниқланди, ундан юқорисида қопламанинг мустаҳкамлик хусусияти ёмонлашади (1-расм). Тўлдирилган плёнканинг чўзилишдаги мустаҳкамлик чегараси σ_p тўлдирилмаган қопламага нисбатан юқори бўлиб, 600 дан 700 кгс/см²гача ошади. Кейинчалик системада КОФС концентрациясининг ошиши ёйилган тўрда нуқсонларнинг ошишига олиб келади. Бу КОФС молекуласи боғининг эгилювчанлиги билан тушунтирилади. Эгилювчанликнинг ошиши полимер-металл чегараси оралиғида юқори молекуляр контактни ҳосил бўлишига олиб келади (2-расм).

Плёнка ҳосил қилувчида қутубланган функционал гуруҳларнинг (ОН, СООН, СО-О, ОСО-Н) ошиши билан адгезион устаҳкамлик ҳам ошади (3-расм). Еталича юқори адгезион мустаҳкамлик қутубланган плёнка ҳосил қилувчи қопламада (КОФС:ЭД-20 намунаси) намоён бўлади. Деформация натижасида қоплама билан таглик орасидаги боғ узилади, бунда адгезион мустаҳкамлик юқори бўлиши қопламанинг тагликдан узилиши кейинга сурилади. КОФСнинг қўшилиши материалнинг қуйилишини яхшилайти ва текис плёнка ҳосил бўлишини таъминлайди. Пентозан сақловчи кублар қолдиғи смоланинг қотишида кимёвий боғланади ва ёйилган тўр таркибига

киради. Бунда қопламанинг физик-механик хоссалари билан бирга ҳимояловчи ва декоратив хоссалари ҳам ошади.




Тўлдирувчининг миқдори, %
1- бентонит; 2- каолин; 3-талък
1-расм. КОФС билан ЭД-20 асосидаги қопламанинг чўзилишдаги мустаҳкамлик чегарасига(σ_p) тўлдирувчининг таъсири



КОФС миқдори, %
1-тўлдирилмаган композит; 2 -25 масс.к. бентонит билан тўлдирилган композит
2-расм. Чўзилишдаги мустаҳкамлик чегараси (σ_p)нинг ЭД-20 композициясидаги КОФС миқдорига боғлиқ равишда ўзгариши

Полимер плёнканинг компонентлари ва тузилишининг ишлаб чиқилган қопламанинг коррозияга қаршилиқ хоссаларига таъсирини ўрганиш. КОФС билан ЭД-20 асосидаги қопламаларда «таркиб-тузилиш-хосса» орасидаги боғлиқликни ўрнатиш оптик усулда ўрганилди. 15 масса қисм бентонит қўшилганда тўлдирувчи полимер матрицасида бир текис тақсимланмайди, баъзи бир жойларда тўлдирувчи етишмайди. 25 масса қисм концентрациялида қопламалар структураси тартибли бўлиб, тўлдирувчи заррачаларининг бир текис тақсимланганлиги билан характерланади. Тўлдирувчи концентрациясининг ошиши полимерда унинг нокис тақсимланишига олиб келади.



1 – бентонит билан тўлдирилган композит; 2 – каолин билан тўлдирилган композит;
3 – талък билан тўлдирилган композит

3-расм. КОФС/ЭД-20 (1:1) асосидаги қопламанинг адгезион мустаҳкамлигининг тўлдирувчи концентрациясига боғлиқлиги
Шундай қилиб, КОФС:ЭД-20 асосидаги композицион полимер қопламани ўрганишда тўлдирувчининг критик концентрацияси композитнинг умумий ҳажмига нисбатан 25 масс.к. бўлиши керак.

Турли силикат сақловчи қатламсимон тўлдирувчилар асосида олинган композицияларнинг мустаҳкамлик хоссаларини аниқлаш усули билан тажрибалар ўтказилди. Бунда КОФС билан ЭД-20нинг таркиби баҳоланди ва у 0,5 дан 2,0 гача деб белгиланди. 3-жадвалда олинган натижалар келтирилган.


3-жадвал

Антикоррозион қопламанинг мустаҳкамлик характеристикаларига тўлдирувчиларнинг миқдори ва турининг таъсири


Намуналар	Мустаҳкамлик							
	зарбага, кгс•см				букилишга, мм			
	при соотношениях, КОФС:ЭД-20							
	0,5	1,0	1,5	2,0	0,5	1,0	1,5	2,0
Тўлдирилмаган	35	35	40	40	1	2	3	3
Тальк билан тўлдирилган	40	50	45	45	1	1	2	3
Каолин билан тўлдирилган	40	45	35	40	1	2	3	5
Бентонит билан тўлдирилган	40	50	40	40	1	1	2	3

Тажрибалар шуни кўрсатдики, бентонит ва каолин билан тўлдирилган композицияларда мустаҳкамлик характеристикалари етарлича юқори бўлиб, зарбага бўлган мустаҳкамлик 50 кгс/см ва букилишга бўлган мустаҳкамлик 1 мм ни ташкил қилади (4-расм). Тўлдирилмаган намуналар мўрт бўлади.

Ишлаб чиқилган қопламамиз металл юзаларини ҳимоялашга мўлжалланганлиги учун қопламанинг занглаган юза билан бирикишидаги мустаҳкамликни ўрганиш қизиқиш уйғотди. Тажрибалар шуни кўрсатдики (5-расм) силжиш ва узилиш мустаҳкамлигининг ўзгаришининг КОФС:ЭД нисбатга боғлиқлиги бир хил характерга эга. КОФС миқдорининг 1:1 гача ортиши билан деярли ўзгармайди – силжиш мустаҳкамлиги 0,5 МПа га, узилиш мустаҳкамлиги 0,2 МПа гача. КОФС миқдорининг 1 нисбатдан ошиб кетиши қопламанинг мустаҳкамлик хоссаларига салбий таъсир этади.






4-расм. Бентонит билан тўлдирилган қопламанинг зарбага мустаҳкамлигининг компонентлар миқдorigа боғлиқлиги



5-расм. Занглаган юзадаги силжиш ва узилиш мустаҳкамлигининг композициядаги КОФС:ЭД-20 миқдorigа боғлиқлиги

Занглаган юзага қопламанинг суртилиши бизнингча, қоплама занг билан реакцияга киришиб ёмон эрийдиган бирикмага ўтади, қопламада инерт тўлдирувчи бўлиб қолади. Ишлаб чиқилган қоплама занг модификатори

хоссасини беради, занглаган юза билан юқори адгезия ҳосил қилиб, оралик чегарасида ва металл-плёнка орасида қуйидаги янги фаза ҳосил қилади.



Шундай қилиб, КОФС билан ЭД-20 ва механик фаоллаштирилган тўлдирувчилар билан тўлдирилган композиция асосида қотганда металл таглик билан яхши адгезия ҳосил қилувчи қоплама олиш мумкинлиги аниқланди.

Ишлаб чиқилган қопламанинг агрессив муҳитга қаршилигини ўрганиш. Қопламалар ишлатилиш жараёнида турли кимёвий агентлар таъсирида бўлиши мумкин: ҳаво кислороди ва бошқа газлар, кислоталарнинг сувдаги эритмаси, ишқорлар, тузлар, эритувчилар, суюқ ёқилғилар, нефт маҳсулотлари, озик-овқат маҳсулотлари ва бошқалар. Намуналарни агрессив чидамлигини текшириш учун агрессив муҳит сифатида зичлиги 1,84 г/см³ли 30% концентрацияли H₂SO₄ кимёвий реагентини ишлатдик. 4-жадвалда тўрли тўлдирувчилар ва уларсиз олинган қопламаларнинг химояловчи хусусиятлари берилган. Жадвалдан кўринадики, боғловчи+бентонит, боғловчи+каолин, боғловчи+талък системалар 120-150 сутка давомида химояловчи хусусиятларини ўзгартирмайди, худди шу вақтда тўлдирилмаган намуналарда 60-70 суткадаёқ қопламанинг емирилишини кузатиш мумкин.


4-жадвал

Тўлдирилган кимёвий чидамли қопламаларнинг химояловчи хоссаларининг 30%ли H₂SO₄ да қолиш вақтига боғлиқлиги

Материалнинг номи	Довомийлиги, сутка	Химояловчи хоссаси, %
Тўлдирилмаган композит	100	60
	200	40
	300	30
	400	25
Бентонит билан тўлдирилган композит	100	80
	200	75
	300	70
	400	68
Каолин билан тўлдирилган композит	100	75
	200	65
	300	60
	400	60
Талък билан тўлдирилган композит	100	90
	200	85
	300	80
	400	80

7-расмдан кўринадики, тўлдирилган қопламанинг кимёвий чидамлиги тўлдирилмаган қопламага нисбатан юқори. Шуни ҳам таъкидлаш керакки, агрессив муҳитнинг температураси ва концентрацияси ошиши билан чидамлилик тўлдирилмаган композицияга нисбатан паст даражада камаяди.

Бундан шуни айтиш керакки, композицияни тўлдирувчилар билан модификациялаш унинг кимёвий чидамлигини оширади, ташқи кўриниши ва рангини яхшилайти.



1-бентонит билан тўлдирилган композит; 2 – каолин билан тўлдирилган композит; 3- тальк билан тўлдирилган композит; 4- тўлдирилмаган композит


7-расм. Тўлдирилган кимёвий чидамли қопламаларнинг ҳимояловчи хоссаларининг 10%ли (а) ва 30%ли (б) H₂SO₄ да қолиш вақтига боғлиқлиги

Шундай қилиб тўлдирувчи маълум бир ижобий самарадорлик ҳосил қилади ва агрессив муҳитнинг матрицага кириш йўлини узайтиради. Ишлаб чиқилган КППМ агрессив муҳитда ишловчи машиналар қисмини қоплаш учун муваффақиятли ишлатиш мумкин.

«Тадқиқот натижаларининг ишлаб чиқаришга қўллаш» деб номланган тўртинчи бобида антикоррозион композицион полимер қопламани олиш технологик жараёни, ишлаб чиқилган антикоррозион қопламани амалий ва иқтисодий аспекти кўриб чиқилган. Ишлаб чиқилган қопламани ишлаб чиқариш саноатини ташкиллаштириш учун биз антикоррозион қоплама олиш технологик линияси янгиланди, ишлаб чиқарилди, тайёрланди (8-расм).

Композицияни олиш айланиш тезлиги 1500 с^{-1} бўлган якорли аралаштиргич ва қайтувчи холодильник (11)ли 1 м^3 ҳажмли реакторда олиб борилади. Реактор–аралаштиргич (5-поз.), ўлчагич (1-поз.) орқали омбордаги бакдан $50\text{-}60^\circ\text{C}$ буғ билан иситилган ЭД-20 тўлдирилади. КОФС ўлчагич (2-поз.) орқали рецепт бўйича берилади. Пластификатор ва тўлдирувчилар ҳам рецепт бўйича ўлчагич орқали (3-поз.), (4-поз.) юборилади. Барча компонентлар тўлдирилгандан сўнг аралаштиргич ёқилади ва қиздирилади. Жараён $50\text{-}60^\circ\text{C}$ да 30 минут давомида олиб борилади. Аралаштириш жараёни тугагандан сўнг ва бир хил аралашма ҳосил бўлгач реактордан идишларга солинади ва омборга жўнатилади. Қопламани суртишдан аввал қотиргич қўшилади.

Ишлаб чиқилган антикоррозион қопламанинг лаборатория-синов ишлари «Uzkabel» АЖ Қўшма корхонасида олиб борилди.



1- КОФС учун ўлчагич; 2-ЭД-20 учун ўлчагич; 3- пластификатор учун ўлчагич;
4-тўлдирувчи учун ўлчагич; 5-аралаштиргич; 6-реактор; 7-холодильник;
8-насос;
9- транспортёр

**8-расм. КОФС ва ЭД-20 асосидаги композицияни олиш
технологик схемаси**

Ускуналарни занглашдан ва емирилишдан ҳимоялашда олиб борилган тадбирлар натижасидаги иқтисодий самарадорлик ҳимояловчи воситаларнинг таннархининг пасайиши ҳисобига, жорий ва капитал таъмирлашлар сони ва таннархининг пасайиши ҳамда иш унумдорлигининг ошиши, ҳимояланувчи объектнинг ишлаш муддатини ошиши ҳисобига эришилади. 100 м³ металл юзасини ҳимоялашдан олинган иқтисодий самарадорлик (четдан валюта ҳисобига келтириляётган қопламага нисбатан) 1230000 сўмни ташкил қилади. 100000 м³ металл конструкцияни ҳимоялашдан кутиляётган иқтисодий самарадорлик 1млрд.230 млн. сўмни ташкил этади.

Ишлаб чиқилган композицион полимер қоплама «Чуставтотеххизмат-Н» МЧЖ амалиётида шошинч ва капитал таъмирлашда 40 та Матиз русумли автомобилларнинг таг қисмлари ва кузовларини қоплашда жорий этилган ва 40 млн.сўм иқтисодий самарадорликка эришилган. Агар шундай автомобиллардан 1000 тасига қўлланилганда кутиляётган иқтисодий самарадорлик 4 млрд. сўмни ташкил этар эди.

ХУЛОСАЛАР

1. Эксплуатация муҳити таъсирида ускуналарнинг юзасини коррозиядан сақловчи антикоррозион қопламаларни баъзи органик синтез қолдиқлари асосида олиш мумкинлиги назарий жиҳатдан анализ қилинди ва аниқланди.

2. ЭД-20 плёнка ҳосил қилувчини фурфурил спирти кублари остидаги қолдиққа алмаштириш имконияти борлиги кўрсатиб берилди. КОФС:ЭД-20нинг 1:1 нисбатли комбинацияланган аралашмаси тавсия этилди.

3. Танланган объектлардан минерал ингредиентларни майдалаш ва фаоллаштириш натижасида ҳосил бўладиган зарбли-парчалаб-ишқалаш усулида самара берувчи дисмембратор тавсия этилди.

4. Тўлдирувчиларнинг гидрофобизацияланишини ошириш, ифлосланган фаол юза группаларини блоклаш, полимернинг стабиллигини пасайтириш, системанинг стабиллигини яхшилаш тўлдирувчиларни механик фаоллаштириш йўли билан заррачалар юзасида эркин радикаллар сонини кўпайтириш билан олиб борилди.

5. Турли хил қатламли кремнезем сақловчи тўлдирувчилар (бентонит, каолин, тальк) билан тўлдирилган пентозансақловчи олигомернинг (КОФС) эпоксид смоласи (ЭД-20) асосида антикоррозион органик қопламанинг янги таркиби тавсия этилди.

6. КОФС ва ЭД-20 асосидаги қопламанинг структураси ва хоссаси орасидаги ўзаро боғлиқлик ўрнатилди.

7. Ишлаб чиқаришга узатиш учун илмий-техник ҳужжатлар ишлаб чиқилди (Технологик регламент ОПР – 35 – 2018 – ХТКМ, Ташкилот стандарти Ts 21645528-09-2018).

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/30.12.2019.К/Т.03.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ГОСУДАРСТВЕННОГО УНИТАРНОГО
ПРЕДПРИЯТИЯ «ФАН ВА ТАРАККИЁТ» ПРИ ТАШКЕНТСКОМ
ГОСУДАРСТВЕННОМ ТЕХНИЧЕСКОМ УНИВЕРСИТЕТЕ имени
ИСЛАМА КАРИМОВА**

**ГОСУДАРСТВЕННОЕ УНИТАРНОЕ ПРЕДПРИЯТИЕ «ФАН ВА
ТАРАККИЁТ» ТАШКЕНТСКОГО ГОСУДАРСТВЕННОГО
ТЕХНИЧЕСКОГО УНИВЕРСИТЕТА имени ИСЛАМА КАРИМОВА**

БАБАХАНОВА МАДИНА АВАЗОВНА

**РАЗРАБОТКА ЭФФЕКТИВНЫХ АНТИКОРРОЗИОННЫХ
КОМПОЗИЦИОННЫХ МАТЕРИАЛОВ И ПОКРЫТИЙ НА ИХ
ОСНОВЕ**

02.00.07 – Химия и технология композиционных, лакокрасочных и резиновых
материалов (технические науки)

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО
ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2020

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована под номером В2018.2.PhD/Г627в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан.

Диссертация выполнена в Государственном унитарном предприятии «Фан ватараккиёт» Ташкентского государственного технического университета имени Ислама Каримова.

Автореферат диссертации размещен на трех языках (узбекский, русский, английский(резюме)) на веб-странице Научного совета по адресу www.gupft.uzi Информационно-образовательном портале «Ziyoune» по адресу www.ziyoune.uz.

Научный руководитель: Негмагова Камила Сойибжановна
доктор технических наук, профессор

Официальные оппоненты: Юсупбеков Ахмаджон Хакимович
доктор химических наук, профессор

Адилов Равшан Иркинович
доктор технических наук, доцент


Ведущая организация: Ташкентский научно-исследовательский институт химической технологии


Защита диссертации состоится «22» августа 2020 года в 11⁰⁰ часов (онлайн) на заседании научного совета DSc.03/30.12.2019.K/T.03.01 при ГУП «Фан ватараккиёт» Ташкентского государственного технического университета имени Ислама Каримова (Адрес: 100174, г. Ташкент, ул. МирзоГолиба 7а. тел.: (99871) 246-39-28; факс: (99871) 227-12-73; e-mail: fan va taraqqiyot@mail.guna здание «Фан ватараккиёт» ГУП, 2 этаж, зал конференций).


С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре ГУП «Фан ватараккиёт» (Зарегистрированный номерам № 24). (Адрес: 100174, г. Ташкент, ул. МирзоГолиба, 7а. Тел. (99871) 246-39-28, факс: (+99871) 227-12-73.

Автореферат диссертации разослан « 19» августа 2020 года
(протокол реестра № 24 от 03 августа 2020 г.)




С.С. Негматов
Председатель научного совета по присуждению учёных степеней, академик АН РУз, Заслуженный деятель науки Республики Узбекистан, д. т. н., профессор


М.М. Якубов
И.О. учёного секретаря научного совета по присуждению учёных степеней, д.т.н., профессор


Н.Талипов
Председатель научного семинара при научном совете по присуждению учёных степеней, д.т.н., с.н.с.

ВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. На сегодняшний день во всем мире коррозия материалов является самой распространенной причиной преждевременного разрушения промышленного оборудования, которая ведет к колоссальным убыткам. Многие промышленные оборудования в процессе эксплуатации подвергаются воздействию природных и техногенных агрессивных сред. Поэтому особое значение уделяется повышению эффективности исследований в области получения эффективных антикоррозионных покрытий.

В мировом масштабе в противокоррозионных работах применяются различные эмали, краски, мастики, полимеррастворы и полимербетон на основе эпоксидной смолы, являющихся по своему составу многокомпонентными системами. Но, к настоящему времени не достаточно полно изучено влияние основных составляющих компонентов на структуру. Поведение эпоксидных материалов в агрессивных средах практически не изучено. Поэтому проблема разработки эффективных составов композиционных полимерных материалов и покрытий на их основе является актуальной и востребованной.

В республике проводятся мероприятия и достигнуты определенные результаты в исследовании и получении антикоррозионных покрытий для оборудования работающих в агрессивных средах. В четвертом направлении программы Стратегических действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан отмечены важные задачи по «...стимулированию научно-исследовательской и инновационной деятельности, созданию эффективных механизмов внедрения инновационных достижений в практику...»¹. Ускорение научно-технического прогресса обусловило бурное развитие химической промышленности, являющейся основным источником отходов. Поэтому проблема использования этих отходов и получение на их основе антикоррозионных покрытий приобретает большое значение, так как связана с экономией природных ресурсов и с охраной окружающей среды. В этом аспекте разработка эффективных составов композиционных полимерных покрытий на основе местного сырья и отходов производств имеет важное значение.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Указах Президента Республики Узбекистан от 04 марта 2015г. №УП-4707 «О программе мер по обеспечению структурных преобразований, модернизации и диверсификации производства на 2015-2019 годы» и от 7 февраля 2017 г. № УП-4947 «О стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития экономики Узбекистан в 2017-2021 годы», а также в других нормативно-правовых документах, связанных с данной деятельностью.

¹ Указ Президента Республики Узбекистан № УП-4947 «О Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах»

Соответствие исследования основным приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики VII. «Химические технологии и нанотехнологии».

Степень изученности проблемы. В области разработки и создания антикоррозионных композиционных полимерных покрытий внесли определенный вклад следующие ученые: Яковлев А.Д., Розенфельд И.Л., Ениколопов Н.С., Журков С.Н., Коршак В.В., Вольфсон С.А., Берлин А.А., Фомин М.Н., Емельянов Ю.В., Чернин И.З., Смехов Ф.М., Жердев Ю.В., Малинин А.В., Кравцов В.В., Козловский А.А., Минскер К.С., Марьин А.П., Карякина М.И., Скороходов О.Н., Рубинштейн Ф.И., Негматов С.С., Джалилов А.Т., Магруппов Ф.А., Тиллаев Р.С., Акбаров Х.И., Таджиходжаев З.А., Жуманиязов М.Ж., Курамбаев Ш.О., Дюсебеков Б.Д. и другие.

Исходя из анализа существующих работ, необходимо отметить, что при разработке композиционных полимерных покрытий с высокими антикоррозионными, адгезионными, физико-механическими свойствами не учтены влияние слоистых кремнеземных наполнителей на эксплуатационные свойства покрытий. В данной диссертационной работе приведены решение этих проблем.

Связь темы диссертации с научно-исследовательскими работами, где выполняется диссертация. Диссертационное исследование выполнено в рамках плана научно-исследовательских работ в государственном унитарном предприятии «Фан ва тараккиёт» Ташкентского государственного технического университета имени И. Каримова А-6-2013 – «Разработка эффективных технологий получения стабилизированных композиционных покрытий на основе местного сырья и отходов производства» (2006-2008гг.); ИОТ-2012-18 «Освоение технологии перспективных защитных покрытий и новых модификаторов ржавчин для нанесения на поверхности деталей с целью повышения стойкости сельскохозяйственной техники»(2012-2014гг.); ИОТ-2012-7-18 «Организация производства ингибитора коррозии и композиционных полимерных покрытий на их основе для защиты трубопроводов и нефтегазопромыслового оборудования» (2012-2014гг.).

Целью исследования является разработка эффективного состава антикоррозионных покрытий на основе кубового отхода стадии синтеза фурфуролового спирта с эпоксидной смолой, наполненных местными слоистыми кремнеземными наполнителями, для применения в различных отраслях промышленности.

Задачи исследований:

выбор и обоснование материалов для разработки антикоррозионных покрытий полифункционального назначения;

исследование процессов формирования покрытий на основе антикоррозионных композиций;

исследование влияния состава и структуры композиций на физико-механические свойства полученных покрытий;

исследование степени отверждения разработанных покрытий;

исследование защитных свойств и термостабильности покрытий на основе разработанных композиций;

разработка необходимой нормативно-технической документации для передачи на производство работающие в агрессивных средах.

Объектами исследования являются органические покрытия на основе кубового остатка фурфуролового спирта с эпоксидным олигомером (ЭД-20), госсиполовой смолой (ГС), полиэтиленполиамином (ПЭПА), наполненные различными слоистыми кремнеземными наполнителями – бентонитом, каолином, тальком.

Предметом исследования является выявление процессов формирования покрытий на основе антикоррозионных композиций, исследование физико-химических, физико-механических, а также защитных свойств разработанных покрытий.

Методы исследования. Физико-химические и механические свойства разработанных покрытий изучены с применением ЭПР, ИК-спектроскопии, а также стандартными методами и приборами: адгезионная прочность - по ГОСТ 14760-69, прочностные свойства - по ГОСТ 14236-81, коррозионная стойкость - по ГОСТ 12020-72. Методом математического моделирования осуществлен подбор оптимальных составов антикоррозионных покрытий.

Научная новизна исследования заключается в следующем:

научно обоснована возможность замены эпоксидной смолы на производственный отход, для создания эффективных антикоррозионных композиционных покрытий;

разработаны антикоррозионные защитные композиции и покрытия на основе кубов стадии синтеза фурфуролового спирта с эпоксидной смолой для защиты металлических поверхностей от коррозии;

определено влияние каждого механоактивированного ингредиента на физико-механические и эксплуатационные показатели;

установлена корреляционная зависимость «состав-структура-свойства» при формировании разработанных покрытий;

методом математического моделирования осуществлен подбор оптимальных составов композиций;

